

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.741.242.1 (575.1)

Жумаев Нодир Хосиятович

**ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги

**Иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2008

Иш Тошкент Молия институти ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Одил Каримович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Ғозибеков Дилшод Ғуломович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Рашидов Оқтам Юнусович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил «__» _____ соат «__» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй, мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил «__» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Ф.И. Мирзаев

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг валюта муносабатларини эркинлаштириш ва валюта сиёсатини такомиллаштириш борасида тўхталиб: "...биз учун бош йўналиш – биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта ресурсларини кўпайтириш ҳисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вақтда ўз мижозларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборат"¹, деб таъкидлаган эдилар. Президентимиз томонидан асослаб берилган ушбу бош йўналишга эришишни таъминлаш мамлакатнинг халқаро валюта муносабатларини ривожлантириш, резидентларнинг халқаро молия бозорларида фаол иштирок этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, миллий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш каби миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда юксалишини таъминлаш имконини берувчи вазифаларни ҳал қилишнинг долзарблигини белгилаб беради. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, валюта муносабатларини тартибга солиш тизимининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси валюта тизимида валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги намоён бўлмоқда. Жумладан, валютавий назорат жараёнига аслида назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларининг фаол тарзда жалб этилганлиги валютавий назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига, жорий валюта бозори ликвидлилик даражасининг паст даражада эканлиги эса, миллий валютанинг номинал алмашув курсини талаб ва таклиф асосида шакллантириш жараёнига салбий таъсир қилмоқда.

Республикада валюта муносабатларини тартибга солиш тизимининг услубий асосларини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва мазкур мавзуни республикада олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш масалалари таниқли иқтисодчи олимлар – Ж.Кейнс, М.Фридмен, М.Пebro, Л.Красавина, Р.Хасбулатов, Ж.Матук, С.Фишер, Ф.Махлуп, Р.Манделл, А.Шмырева² ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005 й. - 422-бет.

² Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. –М.: ГЕЛИОС АРВ, 1999. -352 с.; Фридмен М. Основы монетаризма / Под науч.ред. Козлова Д.А.–М.: ТЕИС, 2002. -175 с.; Пebro М. Международные экономические, валютные и финансовые отношения: Пер. с франц./ Общ. ред. Н.С. Бабинцевой. – М.: Прогресс, Универс, 1994. –496 с; Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Под ред. Красавина Л.Н. – Москва: Финансы и статистика, 2001. -608 с.; Хасбулатов Р.И. Мировая экономика. –М.: ИНСАН, 1994. –736 с.; Матук Ж. Финансовые системы Франции и других стран, Банки. –М.: АО Финстатинформ, 1994. – сс. 259-321; Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. 2-е изд. –М.: Дело, 1997. -864 с.; Machlup F. International payments, debts, and gold. Princeton University. London: George Alien & Unwin, 1966. - pp. 7-50.;

Халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш масаласининг айрим жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – Ш.Абдуллаева, С.Бержанов, Т.Бобоқулов, А.Вахабов, Б.Исламов, О.Намозов, О.Жўраев ва Г.Исмоиловаларнинг³ илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Л. Красавина ўзининг валюта муносабатларига бағишланган илмий изланишларида асосан валюта муносабатларини тартибга солиш поғоналари, номонетар характердаги инфляция омиллари тартибга солиш масаласи, миллий валюта тизимининг элементларини тадқиқ қилган⁴.

М.В. Энг, А.Франсис, Л.Майерлар томонидан валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётида валюта интервенциясидан фойдаланиш масаласи илмий жиҳатдан ўрганилган⁵.

М.Фридмен халқаро валюта муносабатларидаги қатъий белгиланган курс режимини бекор қилишни ва эркин сузиш режимини жорий этишнинг ҳамда олтинни демонитезация қилишнинг устувор йўналишларини тадқиқ этишга қаратган.

Республикамиз олимларидан А.Вахабов, Б.Исламов, Т.Бобақулов, Г.Исмоиловаларнинг илмий ишларида валюта муносабатларини тартибга солиш масаласининг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган. Масалан, А.Вахабовнинг илмий изланишларида валюта муносабатларини тартибга солиш босқичларига хос бўлган эволюцион жараёнлар илмий жиҳатдан асослаб берилган. Б.Исламовнинг илмий ишларида эса, МДХ давлатларида институционал иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида валюта муносабатларини тартибга солишнинг монетаристик усулларга таянган шаклидан фойдаланиш масаласи тадқиқ қилинган. Т.Бобақулов ўзининг илмий ишларида тўлов баланси дефицитининг миллий валюта курсига таъсири, Марказий банкнинг монетар сиёсатини такомиллаштириш йўли билан валюта муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш каби масалаларни кўриб чиққан. Г.Исмоилованинг тадқиқот ишида миллий валюта барқарорлигини ва эркин конвертирланишини таъминлаш, сўм конвертирланишининг ташқи савдо балансига таъсири масалалари ўрганилган.

Mundell R. Optimal Currency Areas / American Economic Review, Vol. 51, 1961, p. 660. Шмырева А.И. и др. Международные валютно-кредитные отношения. –СПб.: Питер, 2001. -272.

³ Бержанов С.А. Валютная система, валютный рынок и валютные операции. Нукус, “Каракалпакстан”, 1996. – 136 с.; Вахабов А.В. и др. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. I-часть. – Ташкент: НУРТ, 2003. – 276 с.; Исламов Б.А. Марказий Осиё мустақил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларининг қиёсий таҳлили. – и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. – 44 бет; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления (на примере Республики Узбекистан): 08.00.07: Автореферат дис...доктора экон.наук. Банковско-Финансовая академия Республики Узбекистан. - Тошкент, 2001. - 41 с.; Бобақулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент “Fan va texnologiya”, 2007. -184 б.; Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.– Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005. -588 б.; Джураев О.Х. Управление внешним долгом в Республике Узбекистан: 08.00.07 Автореферат дис. ... канд. экономич. наук. -Т, 2003. -22 с.; Исмоилова Г.Ф. Ўзбекистонда миллий валюта – “сўм”нинг кадрини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш муаммолари: 08.00.01 иқт. фан. номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2000. – 22 б.

⁴ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Под ред. Красавина Л.Н. – Москва: Финансы и статистика, 2001. – с. 182-183.

⁵ Максимо В. Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоурэнс Дж. Майер. Мировые финансы. Пер. с англ. – М.: ДеКА, 1998. – 768 с.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Молия институти ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- валюта муносабатларини ташкил қилишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва унга хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;

- жаҳон валюта тизими доирасида халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тенденцияларини баҳолаш;

- валюта муносабатларини тартибга солишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга бағишланган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида мамлакатимизни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда валюта муносабатларини ташкил қилишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- валюта сиёсати шаклларида валюта муносабатларини тартибга солишда фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклифлар ва тавсиялар бериш;

- глобаллашув шароитида миллий валюта сиёсатини амалга ошириш механизмнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- тўлов балансини мувозанатлаштириш усулларида мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш тартибини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро кредитлар бўйича қарздорлигини камайтиришга қаратилган амалий таклифларни шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг режимини мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга таъсирини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- валютани тартибга солиш тизимининг эконометрик таҳлилинини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимининг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тизими тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети валюта муносабатларини тартибга солиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг методлари. Диссертацияда тизимли-таркибий, функционал, қиёсий, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез каби усуллардан самарали фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Ўзбекистон Республикасида хорижий валюталарга нисбатан талабнинг барқарор эмаслиги, ташқи савдонинг ижобий сальдосини миллий валютанинг алмашув курси барқарорлигига ижобий таъсирининг мавжудлиги каби валютани тартибга солиш амалиётига хос бўлган тенденциялар аниқланди;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо операциялари ривожланишининг босқичлари аниқланди ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари асослаб берилди;

- республикада миллий валюта курси режимини танлаш ва уни амал қилиш шарт-шароитларини таъминлаш таклифи асосланди;

- валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик концептуал асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари: а) валютавий назоратни такомиллаштириш; б) жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш; в) биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланишини таъминлаш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги:

- Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операцияларининг ривожланиш босқичлари аниқланди ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари асосланди;

- Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш амалиётининг ривожланиш тенденциялари аниқланди;

- республикада миллий валюта курси режимини танлаш ва уни амал қилиш шарт-шароитларини таъминлаш таклифи илмий жиҳатдан асосланди;

- глобаллашув жараёнининг ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг валюта сиёсатига нисбатан таъсир механизми илмий жиҳатдан асосланди;

- валюта муносабатларини тартибга солишнинг концептуал асосларига хос бўлган хусусиятлар асослаб берилди;

- ривожланган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тўлов балансини тартибга солиш борасидаги тажрибалари Ўзбекистон амалиётида ижодий қўллаш юзасидан илмий-амалий тавсиялар шакллантирилди;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконт сиёсатини жорий қилиш шарт-шароитлари хусусида илмий хулосалар ишлаб чиқилди;

- мамлакатимизда халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг йўналишлари белгиланди;

- мамлакатимиз хўжалик субъектлари валюта захираларининг диверсификация даражасининг пастлиги асослаб берилди ва уни такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилди;

- валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик концептуал асосларини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари ишлаб чиқилди:

- валютавий назоратни такомиллаштириш йўналиши асослаб берилди;

- жорий валюта бозори ликвидлигини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланди;

- биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланишини таъминлаш йўналиши белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси валютани тартибга солиш ва назорат қилиш давлат органларининг фаолиятида, валюта муносабатларини тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқишда, валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Халқаро молия муносабатлари”, “Пул, кредит ва банклар”, “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” каби ўқув курсларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2007 йил 3 июлдаги 1316/1202/1-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Тошкент молия институти (18.09.2007 йилдаги маълумотнома) ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида (05.11.2007 йилдаги 04-2754-сонли маълумотнома) “Халқаро молия муносабатлари”, “Пул, кредит ва банклар”, “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, “Халқаро валюта операциялари ва халқаро ҳисоб-китоблар” каби ўқув курсларини ўқитишда кенг фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари “Иқтисодиётнинг реал сектори ва ундаги бозор ислохотлари муаммолари” (Термиз, 2002); “Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари” (Тошкент, 2003); “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари” (Тошкент, 2004); “Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари” (Тошкент, 2006); “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши” (Тошкент, 2006); “Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш” (Тошкент, 2006); “Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях интеграционных процессов” (Москва, 2006); “Современный рынок услуг: отношения и конкурентоспособность торгового обслуживания” (Караганда, 2007); “Развитие розничного банковского бизнеса” (Тошкент, 2007); “Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари” (Тошкент, 2007); “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида минтақани барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш муаммолари” (Урганч, 2007); “Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана” (Москва, 2007) каби халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази бирлашган илмий семинарларида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 2 та монография, 2 та дарслик, 24 та мақола ва 20 та тезис, 2 та ўқув қўлланма кўринишида нашр қилинган ва уларнинг умумий ҳажми 52,0 босма табоқни ташкил этади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 261 бетни ташкил этиб, унда 6 та расм, 34 та жадвал ва 7 та иловалар ўрин олган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Жаҳон валюта тизимининг ҳозирги босқичида қабул қилинган директив қоидалар халқаро валюта муносабатларининг услубий асосларини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнаб, унинг муҳим хусусиятларидан бири олтиндан халқаро валюта муносабатларида тўлов воситаси сифатида фойдаланишнинг таъқиқланиши ҳисобланади. Ушбу талабнинг жорий этилиши натижасида, биринчидан, етакчи валюталарнинг халқаро тўлов воситаси сифатидаги аҳамияти ортди; иккинчидан, қатор ривожланаётган мамлакатлар валюта тушумларининг барқарорлиги мустаҳкамланди. Масалан, Гана, Ўзбекистон, ЖАР каби мамлакатларда олтинни экспорт қилишдан олинadиган тушум мамлакат валюта тушумининг сезиларли қисмини ташкил қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2005 йилда олтин ва бошқа нодир металлларни сотишдан олинган валюта тушуми мамлакат экспорт тушумининг қарийб бешдан бир қисмини ташкил қилди⁶.

Лекин шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, гарчи олтинни демонетизация қилиш расман тугалланган бўлса-да, олтиндан пулни жамғариш воситаси сифатида, халқаро захира пули сифатида фойдаланиш давом этмоқда.

Валюта муносабатларини тартибга солиш принциплари, усуллари, поғоналари иқтисодий адабиётларда қатор иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Масалан, Л.Н.Красавинанинг фикрича, валюта муносабатларини тартибга солиш уч поғонадан иборат⁷:

1. Валюта ресурсларига эга бўлган ва валюта операцияларида фаол иштирок этадиган хусусий корхоналар, миллий ва халқаро банклар иштирокидаги валюта муносабатларини тартибга солиш;

2. Молия вазирлиги, Марказий банк, валютани тартибга солувчи бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти;

3. Валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш амалиёти.

Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашувда маълум даражада чалкашлик мавжуд. У шундан иборатки, хусусий корхоналар, тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширувчилардир. Уларда валюта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияси мавжуд эмас. Ҳатто экспорт-импорт операцияларини ҳисобга олиш билан шуғулланаётган Ўзбекистон

⁶ Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. – Ташкент: ЦСЭИ, 2006. , №3, с. 41.

⁷ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Под ред. Красавина Л.Н. – Москва: Финансы и статистика, 2001. с. 182–183.

тижорат банкларида ҳам валюта муносабатларини тартибга солиш борасида ваколат ва функциялар мавжуд эмас.

Фикримизча, корхоналар ва банklar халқаро валюта муносабатларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади ва шу сабабли, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органлари учун назорат объекти ҳисобланади. Корхоналар ва банklar иштирокида юзага келадиган валюта муносабатларининг ўзини алоҳида ажратиш ва унга халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг алоҳида поғонаси мақомини бериш мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, ҳар бир мамлакатдаги халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизими икки поғонадан: а) давлат валютани тартибга солиш органлари томонидан амалга ошириладиган халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти; б) давлатлараро шартномалар асосида халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётидан иборат.

Ҳар иккала поғонадаги тартибга солиш амалиётида корхоналар ва банklarнинг валюта операциялари назорат қилинади. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни олайлик. Агар аккредитивлар воситасидаги тўловлар миллий валютада амалга оширилса, у ҳолда, тўловларни амалга оширилганлиги устидан назорат Марказий банк томонидан амалга оширилади. Агар аккредитивлар халқаро ҳисоб-китобларда қўлланилса, у ҳолда, улар билан боғлиқ валюта муносабатларини тартибга солиш давлатлараро муносабатлар доирасида амал қиладиган халқаро қоидалар асосида тартибга солинади.

Иқтисодчи олим А.Г. Наговицин халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланган валюта сиёсатини илмий жиҳатдан тадқиқ қилган. Унинг муҳим илмий хулосаларидан бири шундаки, валюта сиёсатининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш молиявий барқарорликни таъминлаш заруриятини юзага келтиради⁸. А.Г.Наговицин ўзининг тадқиқотларидан келиб чиқиб, молиявий барқарорликнинг валютани тартибга солиш амалиётини такомиллаштиришдаги аҳамиятини асослаб берган.

Бизнинг фикримизча, А.Г. Наговициннинг валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришда молиявий барқарорликка эришишнинг зарурлиги хусусидаги хулосаси эътиборга лойиқ хулосадир. Бунинг исботи тариқасида миллий валютаимиз – сўмнинг алмашув курси динамикасини келтириш мумкин. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилганлиги, унинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо балансининг барқарор актив қолдиғининг таъминланганлиги 2005–2006 йилларда сўм алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Биз А.Г. Наговициннинг молиявий барқарорликни таъминлашнинг халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришдаги аҳамияти хусусидаги илмий хулосасини бойитиш мақсадида қуйидаги таклифни ишлаб чиқдик: “Молиявий барқарорлик

⁸ Наговицин А.Г. Валютная политика. – М.: Экзамен, 2000. с. 16.

кўрсаткичларини аниқ белгилаш ва валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда ана шу кўрсаткичлар тизимига асосланиш лозим”.

Б.А. Исламовнинг иқтисодий тартибга солишнинг фақат монетаристик усулларига таянган тизимнинг бозор шароитига мосланган шакл-шамойилларини ишлаб чиқилмаганлиги МДХ давлатларида иқтисодий институционал ислохотларни амалга оширишда қийинчиликларни юзага келтирди⁹, деган фикри эътиборга молик.

Фикримизча, Б.А. Исламовнинг хулосаси амалий асосга эга. Хусусан, 1991-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тартибга солишда қаттиқ монетаристик усулларга таянилганлиги иқтисодий инқирознинг чуқурлашуви сабаб бўлди. Масалан, республикада 1991-1993 йилларда ялпи жамғаришнинг пасайиш суръати 52,9 фоизни ташкил қилди. Капитал қўйилмаларнинг ЯИМдаги салмоғи 1990 йилдаги 32,2 фоиздан 1994 йилда 20,3 фоизга тушди¹⁰.

Диссертация ишида Марказий банк дисконт сиёсатининг валютани тартибга солишдаги ўрни тадқиқ қилинган ва қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

– Марказий банк ташкил қиладиган кредит аукционда кредит ставкаларининг ҳақиқий бозор кучлари, яъни талаб ва таклиф асосида шаклланишига имкон яратиш лозим;

– тижорат банкларининг ликвидлик муаммоларини бартараф этиш ва бу билан бутун банк тизимига нисбатан аҳоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шакллари жорий қилиш керак;

– ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишини рағбатлантириш зарур;

– бозор инструменти бўлган вексел (тратта)ларни жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

Мазкур таклифларни республикада амалиётга жорий этиш, шубҳасиз, тижорат векселлари муомаласини жорий этишни тақозо этади. Чунки, Марказий банкнинг дисконт сиёсати узатма тижорат векселлари муомаласига асосланади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рестрикцион пул-кредит сиёсатини юритмаслиги лозим, чунки Марказий банк томонидан тратталарни ҳисобга олиниши муомаладаги пул массаси ҳажмининг ошишига олиб келади.

Диссертация ишида валюта муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини чуқур тадқиқ қилинган. Ҳозирги даврда миллий валюта бозорини эркинлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан

⁹ Исламов Б.А. Марказий Осиё мустақил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодий интеграция жараёнларининг қисқич таҳлили. – и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. 18–19-бетлар.

¹⁰ Намозов О.Ш., Юсупов М.А., Фаттахова Ж.А. Макроэкономические процессы в Узбекистане до введения национальной валюты – сум (1991 – июль 1994 г.) // Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. – Т.: Мир экономики и права, 1998. - с. 45.

ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган босқичма-босқич чора-тадбирлар мажмуи доирасида аввал фақатгина Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўм маблағларни хорижий валютага конвертирлашнинг сезиларли қисми биржадан ташқари валюта бозорига кўчирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли “Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, амалда бўлган турли валюта операцияларини амалга оширишда қўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари унификациялаштирилди¹¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2000 йил 30 июндаги 250-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, ваколатли банкларга 2000 йил 1 июлдан биржадан ташқари валюта бозоридаги савдода хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш курсларини мустақил тарзда аниқлаш ҳуқуқи берилди. Марказий банк лицензияси эгалари – импортёрларга валюталарни сотиш, экспортёрларнинг бўш валюта маблағларини сотиб олиш ва айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валюталар билан операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган курс бўйича амалга оширила бошланди¹².

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Қонунининг қабул қилиниши билан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида хўжалик юритувчи субъектларни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олиш бекор қилинди.

Республикамизда валюта муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бизнинг фикримизча, куйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Нақд валюталар савдосининг узлуксизлигини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, нақд валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари бўйича барча чекловлар бекор қилинган¹³. Аммо, норезидентларнинг сотган валюталари миқдориди валюта сотиб олишлари хусусидаги тартиб бекор қилинмади. Бу эса, норезидентларнинг сўмда операциялар амалга оширишдан манфаатдорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Шу сабабли, фикримизча, нақд хорижий валюталар савдосида сақланиб қолган чекловлар бекор қилиниши лозим.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Бюллетень. – Тошкент, 2000 й.

¹² Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – №6, 2000. 34-б.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 5-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, биржадан ташқари валюта бозорида деривативлар билан операциялар амалга оширишга рухсат этилган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2000 йил 25 июлдаги 449-сонли “Тижорат банклари капиталининг етарлиликка қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомининг 7.1.-бандига мувофиқ, тижорат банклари акционерлик капитали, олтидан ташқари бошқа қимматбаҳо металллар ва бошқа товарларга асосланган форвард ва своп келишувлари, опционлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳосилавий битимлар тузишга ҳақли эмас, дейилган¹⁴. Бизнинг фикримизча, тижорат банклари форвард шартномалари бозорининг энг фаол ва асосий иштирокчиси ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг форвард операцияларига нисбатан белгиланган чекловни бекор қилиш лозим.

Валюта муносабатларини тартибга солишда валюта интервенцияси алоҳида ўрин тутди. Ҳозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган мақсад валюта курсининг қисқа вақт мобайнида кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини доимо барқарор даражада сақлаб туриш имкониятига эга эмас, чунки, биринчидан, улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар; иккинчидан, валюта операцияларининг ҳажми жуда катта бўлиб, ўсиш тенденциясига эга. Валюта интервенцияси расмий олтин-валюта захиралари ҳисобига амалга оширилади.

Бреттон-Вудс тизими доирасида валюта интервенцияси, асосан, қатъий белгиланган курсларни қадрини ушлаб туриш мақсадида ўтказиларди. Интервенцияни ўтказишда асосий валюта сифатида АҚШ долларидан фойдаланилгани учун, АҚШ бошқа давлатларга унинг курсини маълум даражада ушлаш юзасидан мажбурият қўйган эди. Ямайка халқаро келишувидан сўнг сузиб юривчи валюта курсларига ўтилди ва валюта интервенцияси, асосан, курсларнинг кескин тебранишини олдини олиш мақсадида ўтказилиш аънанасига эга бўлди. АҚШ долларининг захира валютаси сифатидаги ролининг пасайиши оқибатида валюта интервенциясида АҚШ доллари билан бир қаторда немис маркаси, қатор Ғарбий Европа ва Япония давлатларининг валюталари қўлланила бошланди.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида қатор мамлакатларнинг марказий банклари валюта интервенциясини биргаликда ўтказганлиги эътиборга молик. 1974 йилнинг май ойида АҚШ, Германия, Швейцария мамлакатлари ҳамкорликда валюта интервенциясини ўтказиш ҳақида битим туздилар. 1975 йилнинг февралда Франция ҳам бу битимга қўшилди. Рамбуйдаги (1975 йил) олти мамлакат ҳукумати раҳбарлари йиғилишида бирлашган валюта сиёсати ва ўзаро ёрдам кўрсатишлар ҳақидаги битим имзоланди. 1975 йилнинг декабридан бошлаб “ўнлик гуруҳи” мамлакатлари валюта интервенциясини биргаликда своп битимлари асосида амалга ошира бошлашди. 1985 йилдан бошлаб бешта ривожланган саноат мамлакатлари

¹⁴ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон, 2003. 384-б.

етақчи валюталарнинг курсини тартибга солиш мақсадида биргаликда мунтазам равишда валюта интервенциясини ўтказишган. Девиз сиёсати валюта курсига катта таъсир ўтказа олади, бироқ бу таъсир вақтинча ва чегараланган ҳажмдадир. Валюта интервенциясидаги йирик харажатлар ҳар доим ҳам валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш имконини бермаган.

Интервенциянинг руҳий самараси катта аҳамиятга эгадир: Марказий банк операцияларининг ошқоралик даражаси қанчалик юқори бўлса, валюта бозоридаги субъектлар бошқарув органларининг тазйиқига шунчалик даражада бўйсундилар. Марказий банкнинг биржага чиқиши ва валюта брокерларига мурожаат қилиши бозорга кучли таъсир кўрсатади. Бунинг изоҳи сифатида операциялар расмий суммасининг катталигини келтириш мумкин. Валюта интервенцияси мақсадига эришишнинг зарурий шартларидан бири олтин-валюта захираларининг етарлилиги ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотларида иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг расмий валюта захиралари динамикаси кўриб чиқилган.

1- жадвал

Айрим саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг расмий
валюта захиралари динамикаси ¹⁵

(млн. АҚШ долл.)

№	Мамлакатлар	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2006 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариш, %
1	АҚШ	57633	67962	74894	75890	54083	66053	114,6
2	Япония	395155	461186	663289	833891	834275	895320	226,6
3	Канада	33961	36984	36222	34428	32962	35063	103,2
4	Германия	51403	51170	50694	48822	45139	111635	217,2
5	Буюк Британия	37284	39360	41850	45342	43531	85646	229,7
6	Франция	31749	28365	30186	35314	27752	98250	309,5
7	Италия	24419	28603	30365	27859	25514	75733	310,1
8	Хитой	214200	286400	408160	614496	821532	1068493	498,8
9	Россия	37288	48205	68169	117434	168396	289042	775,2
10	Корея	102800	121400	155287	198995	210321	238882	232,4
11	Қозоғистон	1997,2	2549,7	4237	8473	6084	19112	956,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлари ичида Япония ва Буюк Британияда 2001–2006 йиллар мобайнида юқори ўсиш суръати кузатилди. Бу эса, мазкур мамлакатлар марказий банкларининг валюта интервенциясини амалга ошириш имкониятини оширади.

Ҳисобот даври мобайнида АҚШнинг хорижий валюталардаги расмий захираларининг пасайиш суръатлари кузатилди. Ушбу ҳолат АҚШ ташқи

¹⁵ Жадвал ХВФнинг “International Financial Statistics” бюллетенлари маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилди.

қарзининг кескин ошганлиги билан изоҳланади. АҚШнинг ташқи қарзи 2006 йилнинг охирига келиб, 8,18 трлн. доллардан ошди¹⁶.

Германия ва Франция давлатларининг расмий валюта захиралари 2005 йилнинг охирига келиб 2001 йилга нисбатан камайди. Аммо ушбу пасайиш валюта интервенцияси нуктаи-назаридан амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки, Германия ва Франция еврозода бўлганлиги сабабли, уларнинг марказий банклари валюта интервенциясини амалга оширмайди. Еврозода валюта интервенциясини Европа Марказий банки амалга оширади.

Ривожланаётган давлатлар ичида эса, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Қозоғистон каби давлатларда, ҳисобот даврида хорижий валюта захираларининг юқори суръатларда ўсиши кузатилган. Хусусан, Хитой хорижий валюта захираларининг 2006 йилда 2001 йилга нисбатан ўсиш суръати 498,8 фоизни ташкил этган. Россияда хорижий валюта захираларининг ўсиш суръати 775,2 фоизга, Жанубий Кореяда 232,4 фоизга ва Қозоғистонда 956,9 фоизга ошган. Ушбу ҳолат ривожланаётган давлатларда миллий валюта алмашув курси барқарорлигини таъминлашга қаратилган валюта интервенциясини қўллаш имкониятини ошириш нуктаи назаридан ижобий ҳол ҳисобланади.

Диссертация ишида сўмнинг алмашув курси ва конверсион операциялар ўртасидаги боғлиқлик масаласи ҳам тадқиқ қилинган.

2-жадвал

Сўмнинг алмашув курси ва конверсион операциялар динамикаси
(2002 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан фоизда)¹⁷

Кўрсаткичлар	01.01. 2002 й.	01.01. 2003 й.	01.01. 2004 й.	01.01. 2005 й.	01.01. 2006 й.	01.01. 2007 й.
1. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг ўзгариши	100,0	141,0	142,4	153,8	171,8	180,5
2. Миллий валюта бозоридаги конверсион операциялар ҳажмининг ўзгариши	100,0	93,3	120,0	173,3	193,3	205,0

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2002 йилда сўмнинг алмашув курси 2001 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бунинг сабаби шундаки, 2002 йилда миллий валюта бозорини эркинлаштириш бўйича кескин чора-тадбирлар қўлланилди. Мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари доирасида амалга оширилган.

¹⁶ http://devdata.worldbank.org/sdmx/jedh/2005Q2_2007Q1.xls

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

2-жадвал маълумотлари миллий валюта бозоридаги конверсион операцияларнинг ҳажми 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 6,7 фоизли пунктга камайганлигини кўрсатяпти. Бу эса, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб конверсион операцияларни бозор курсида, яъни талаб ва таклиф асосида шаклланган валюта курсида амалга оширишга ўтилганлиги билан изоҳланади.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2002-2007 йилларда сўм алмашув курсининг пасайиш тенденциясига мос равишда конверсион операциялар ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, сўм алмашув курсининг импорт товарларига нисбатан салбий таъсирини юзага келмаганлигидан далолат беради.

Конверсион операциялар ҳажмининг таҳлил қилинган давр мобайнида 2001 йилга нисбатан кескин тебранишлари республикаимиз ички валюта бозорида хорижий валюталарга нисбатан барқарор талабнинг шаклланмаганлигини кўрсатади. Ўз навбатида, хорижий валюталарга бўлган барқарор талабни шакллантириш аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш турган валюта маблағларини республикаимиз тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб этиш заруриятини юзага келтиради. Бу эса, муддатли депозитларга мижозларни қониқтирадиган ставкаларда фоиз тўлашни тақозо қилади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хорижий валютадаги депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари ўзгариши¹⁸

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.
1. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари бўйича	5,6	8,6	6,4	5,6	4,7	6,2
2. Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича	1,2	2,5	2,5	2,5	2,5	4,4

3-жадвалдан кўринадики, 2001-2006 йиллар мобайнида юридик шахсларнинг хорижий валютадаги депозитларига тўланадиган фоиз ставкалари барқарор даражада сақланиб қолган. Бундай ҳолат юридик шахслардан жалб қилинган муддатли депозитлар республикаимиз тижорат банклари томонидан АҚШ ва Европа молия бозорларидаги халқаро тижорат банкларига LIBOR бўйича банклараро депозит сифатида жойлаштирилиши билан белгиланади.

3-жадвалда келтирилган маълумотлар 2002-2005 йилларда жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги муддатли омонатларига тўланадиган фоиз ставкаларининг ўртача тортилган даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Бу тенденциянинг юзага келишига қисқа муддатли валютавий кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларининг пасайиш суръатига эга бўлганлиги асос бўлган.

4-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2006 йилда хорижий валютада берилган қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкасининг 6,1 фоизга пасайиши кузатилган. Бу ҳолат хорижий кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини

¹⁸ Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. – Ташкент: ЦСЭИ, 2006. с. 30.

ошириш, улардан тўловга қобил талабни рағбатлантиришда фойдаланишни кучайтириш имконини беради.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хорижий валютада берилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари¹⁹

	2001	2002	2003	2004	2005	2006
1. Қисқа муддатли кредитлар бўйича	9,8	12,5	16,6	11,0	9,3	9,2
2. Узоқ муддатли кредитлар бўйича	6,5	4,8	5,9	5,7	6,6	10,0

2006 йилда мазкур кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси 2001 йилга нисбатан 53,8 фоизга ошган. Таъкидлаш лозимки, 2001-2005 йиллар мобайнида хорижий валютада берилган узоқ муддатли кредитларнинг фоиз ставкасини барқарор тарзда сақлаб туришга муваффақ бўлинган. 2006 йилда эса, узоқ муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси 2005 йилдагига нисбатан сезиларли даражада (51,5 % га) ошган. Бу эса, узоқ муддатли халқаро кредитларни қайтариш суръатларининг юқори эканлиги сабабли узоқ муддатли кредитларга бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилганлиги туфайли 1997 йилдан бошлаб, биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсата бошлади. Биржадан ташқари валюта бозорида нақд валюталар билан операциялар (валюта айирбошлаш шохобчалари орқали), шунингдек, халқ истеъмоли молларини импорт қилувчи корхоналарга валюталарни (ваколатли банклар орқали) сотиш бўйича операциялар амалга оширила бошланди.

Юқорида қайд этилганидек, шу даврда иккита расмий айирбошлаш курси амал қилди:

1. Марказий банкнинг расмий биржа курси. Бу курсдан ҳисобни юритиш ва божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида валюталарни сотиш бўйича операциялар ўтказишда фойдаланилди.

2. Марказий банкнинг курсига 12 фоиз маржа қўшилиб, биржадан ташқари валюта бозорида қўлланилган тижорат спот курси қўлланилди.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 июлдаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини чиқишига қадар амалда бўлди. Фармонга мувофиқ, маржа бекор бўлди ва амалга биржадан ташқари айирбошлаш курси киритилди.

Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг муҳим жиҳат, 2000 йилнинг бошидан бошлаб, ички валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олишга 5 фоизлик йиғимнинг жорий

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002–2007 йиллардаги ахборотномалари асосида диссертант томонидан ҳисобланди.

қилинишидир. Қайд этилган йиғим валюталарни сотиб олувчидан бюджетга мажбурий тўлов тарзида ундирилди. Бу йиғимдан бюджет маблағларидан фойдаланиш ва Ҳукумат қафолати остида олинган хорижий валютадаги кредитларни қайтариш мустасно эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171- сонли «Валюта ва экспорт-импорт операцияларини ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Марказий банк бухгалтерия ҳисоби, статистика ва валюта операциялари бўйича бошқа ҳисоботларни юритиш, божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида хорижий валюталарни курсини белгилаш ва эълон қилиш тартиби ўзгартирилди.

2000 йил апрель ойининг охирида амалда бўлган ва турли валюта операцияларини амалга ошириш учун қўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари унификация қилинди. 2000 йил 1 майда Марказий банкнинг курси ўзининг тарихи давомида биринчи марта 57 фоизга девальвация қилинди (1 АҚШ доллари 147,15 сўм ҳолатидан 1 АҚШ долларига 231 сўм нисбатида белгиланди). Биржадан ташқари айирбошлаш курси ҳам 1 АҚШ долларига нисбатан 231 сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 29 июнда 245-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2000 йил 30 июндаги 250-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта-айирбошлаш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларнинг қабул қилиниши, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш борасида олға ташланган қадам бўлди.

2000 йил 1 июлдан бошлаб, имтиёзли конвертация ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари – корхоналарга валюталарни сотиш, экспортёрларнинг бўш валюта маблағларини сотиб олиш ва айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валюталар билан боғлиқ операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган эркин курс бўйича амалга оширила бошланди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири саналади. Қарорга мувофиқ, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидаги операциялар эркин курсда амалга оширилмоқда:

- ҳукумат томонидан ёки унинг қафолати остида 2001 йил 1 июлгача жалб этилган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш;
- корхоналарнинг марказлаштирилган ресурсларни экспорт қилиш ҳисобига тушадиган валюта тушумларини мажбурий сотиш ва сотиб олиш;
- республика ҳудудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ва бошқа ҳисоботлар, божхона тўловларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг биржадан ташқари валюта бозоридаги алмашув курсини, пул массаси

ва инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган курси бўйича амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласи ва иқтисодий фаоллик ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлганлиги сабабли, нақд хорижий валюталарнинг тижорат курси динамикасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

5–жадвал

Сўмнинг алмашув курслари динамикаси²⁰

Кўрсаткичлар	31.12. 2001 й.	31.12. 2002 й.	31.12. 2003 й.	31.12. 2004 й.	31.12. 2005 й.	31.12. 2006 й.	31.12.2006 йилда 31.12.2001 йилга нисбатан ўзгариш, %
1. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм	688,00	970,00	980,00	1058,00	1180,00	1240,00	180,20
2. Нақд хорижий валюталарнинг тижорат курси (1 АҚШ долларига нисбатан сўмда)	859,93	1025,48	979,55	1057,21	1193,29	1247,34	145,05

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2006 йилда 2001 йилга нисбатан сўмнинг номинал алмашув курси кескин ошди, яъни сўм сезиларли даражада қадрсизланган. Бунинг асосий сабаблари, 2001-2002 йилларда республикада валюта муносабатлари ва валюта бозорини эркинлаштириш бўйича ҳукумат қарорларининг қабул қилинганлиги ва хорижий валютадаги тўловларнинг хорижий нетто активларнинг ички бозордаги таклифига салбий таъсир қилганлиги ҳисобланади.

Шуниси характерлики, таҳлил қилинган давр мобайнида нақд хорижий валюталарнинг тижорат курси нисбатан паст суръатда, яъни 38,8 фоизли пунктга пасайган. Бунинг сабаби шундаки, республикада 2001 йилдан бошлаб нақд хорижий валюталарга бўлган талабни барқарорлаштиришга муваффақ бўлинган. Бунга эса, валюта курсларини унификациялаш йўли билан эришилган.

2000 йил 1 июлидан ҳозирги кунгача, кўрсатиб ўтилган курс бошқа айирбошлаш курсларига нисбатан сезиларли даражада девальвацияланган. 2001 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, айирбошлаш шохобчалари орқали сотилган валюталарнинг курси 1 АҚШ долларига нисбатан 980 сўмни ташкил этган. Бу эса, параллел бозордаги курсга яқин курс эди.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

Халқаро глобаллашув жараёнларининг чуқурлашаётганлиги мамлакатларнинг валюта сиёсатига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва қатор мамлакатларда “голланд касали”нинг юзага келишига туртки берди.

“Голланд касаллиги” табиий ресурс манбаларининг кашф этилиши натижасида мамлакат саноатлашув даражасининг пасайиб кетиши, мамлакат миллий валютасининг кучли ревальвацияланиши ва натижада мамлакат экспорт товарлари рақобатбардошлигининг сезиларли даражада пасайишини англатади. “Голланд касаллиги”га учраган давлатда асосий экспорт товарларини ишлаб чиқаришга асосланган мамлакат қайта ишлаш саноатида кескин пасайиш юз беради ва мамлакатнинг анъанавий экспорт тушумлари манбаи бўлган қайта ишлаш саноатига нисбатан кучли салбий таъсир вужудга келади. Табиий ресурслар учун қулай баҳолар шароити йўқолгач, мамлакатнинг кучсизланган анъанавий саноати орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаши анча оғир кечади.

МДХ давлатлари мисолида “голланд касаллиги”нинг симптомлари сифатида реал валюта курсининг ошиши, хизматлар секторининг ривожланиши, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, реал иш ҳақи даражасининг ошиши ва мамлакат экспортининг марказлашуви танлаб олинди ва қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. 2000 йилдан бошлаб Россия, Арманистон, Қозоғистон ва Украинада реал самарали валюта курсининг сезиларли ошиши кузатилган. Лекин бу ҳолат МДХ давлатларида реал самарали алмашув курси ўзининг мувозанат даражасидан ошган, деган маънони англатмайди. Чунки реал самарали алмашув курсининг ошиши сўнгги йилларда МДХ давлатларида ишлаб чиқариш самарадорлигининг сезиларли даражада ошиши билан ҳам изоҳланади.

2. Хизматларнинг ЯИМдаги салмоғида кескин ўзгариш юз бермаган. Умуман олганда, хизматлар салмоғининг ўсиши кўпчилик МДХ давлатларидаги ривожланиш жараёнларига мос келади.

3. 2000-2005 йиллар мобайнида аксарият МДХ давлатларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмида сезиларли ўсиш тенденцияси кузатилган.

4. Экспортнинг марказлашуви кўпчилик МДХ давлатларида жуда юқори бўлган (Арманистон, Грузия ва Украинадан ташқари).

Валюта муносабатларини тартибга солиш доирасидаги муҳим масалалардан бири тўлов балансини мувозанатлаштириш масаласи ҳисобланади. Шу сабабли, диссертацияда АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган давлатларнинг тўлов балансини мувозанатлаштириш борасидаги тажрибалари умумлаштирилган.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, АҚШ тўлов балансининг салбий сальдога эга бўлган асосий моддалари экспорт-импорт операциялари ҳамда хизматлар ва нотижорат характеридаги тўловлар моддалари ҳисобланади. Бу ҳолат АҚШнинг Япония, Германия, Хитой каби давлатлар билан ўзаро савдо операцияларида йирик салбий қолдиққа эга эканлиги билан изоҳланади. Шунингдек, капитал ва молиявий операциялар моддасининг йирик қолдиққа эга эканлиги АҚШ тўлов балансининг ижобий қолдиғини таъминлашга хизмат қилган. Демак, АҚШ тўлов балансини мувозанатлаштиришда АҚШ

ҳукуматининг узоқ муддатли облигацияларини сотиш йўли билан олинган валюта маблағлари муҳим рол ўйнамоқда. Бунда асосий инвесторлар бўлиб, асосан, Япония ва Саудия Арабистони резидентлари ҳисобланади.

Япония тўлов балансини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, 2002-2006 йиллар мобайнида капитал ва молиявий операциялар моддалари бўйича салбий қолдиқнинг мавжудлиги ва кескин тебраниши кузатилган. Бу ҳолат инвестицияларнинг хорижий мамлакатлар томон оқимининг кучаяётганлиги билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, икки омилнинг мавжудлиги ҳисобланади: биринчидан, Японияда ишчи кучи қиммат; иккинчидан, хом-ашё ресурслари четдан ташиб келтирилганлиги туфайли уларнинг баҳоси юқори (Японияда нефтнинг 90 фоизи, темирнинг 70 фоиздан ортиқ қисми четдан келтирилади). Япония тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича йирик миқдордаги ижобий қолдиқнинг мавжудлиги тўлов балансини мувозанатлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида 2003-2006 йиллар мобайнида савдо балансининг ижобий қолдиғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг натижасида тўлов балансининг мазкур даврлар мобайнида дефицитсиз бўлиши таъминланган. Лекин, 2003-2006 йиллар мобайнида капиталлар ва молия ҳисоблари бўлими бўйича салбий сальдонинг мавжудлиги кузатилган ва унинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган халқаро инвестицион кредитларни қайтариш суммаларининг ўсаётганлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, саноати ривожланган мамлакатларда тўлов балансини мувозанатлаштиришда қопловчи, яъни ижобий қолдиққа эга бўлган моддаларнинг мавжудлиги принциpidан фойдаланилмоқда. Тўлов балансини мувозанатлаштириш мақсадида, биринчидан, экспорт-импорт операциялари ўртасидаги барқарор ижобий қолдиқни таъминлаш лозим; иккинчидан, халқаро кредитлар ва инвестициялар бўйича валюталар тушуми билан тўлови ўртасидаги фарқ суммасининг кескин тебранишига йўл қўймаслик керак.

Диссертацион тадқиқотни амалга ошириш жараёнида халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилиш валюта муносабатларини тартибга солишнинг долзарб масалаларидан бири эканлиги асослаб берилди. Қарздор мамлакатлар иқтисодиётининг инқироз ҳолатида эканлиги, валюта курси ва паритети ўртасидаги фарқнинг катта эканлиги халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг чуқурлашишига сабаб бўлмоқда.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг энг оқилона йўли ҳозирги кунда ушбу давлатларга янги кредитлар бериш ҳисобланади. Гарчи мазкур усул ҳозирча ягона самарали усул ҳисобланса ҳам, у қарздорлик муаммосини тўла ҳал қилмайди. Қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг оқилона йўлларида бири миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси мавжуд бўлиб, мазкур муаммонинг чуқурлашиши халқаро инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги билан изоҳланади. Бир қатор инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга

йўналтирилган халқаро кредитларнинг муддатида қайтмаганлиги мамлакатимизда хорижий валюталар таклифига нисбатан салбий таъсири юзага келтирди. Масалан, “Хобас Тапо” (51,9 млн. АҚШ доллари), “Каолин” (27,4 млн. АҚШ доллари), “ЎзЭКСайд” (53,6 млн. АҚШ доллари) корхоналарига берилган халқаро кредитлар муддатида қайтмаганлиги сабабли хорижий кредиторларга халқаро кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар суммаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг ўз маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди²¹.

2001-2006 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзининг номинал ЯИМга нисбати кўрсаткичи ва ташқи қарзнинг товарлар ва хизматлар экспортига нисбати кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, ташқи қарзнинг номинал ЯИМга нисбати 2001 йилда 56,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, 2006 йилга келиб 33,1 фоизга пасайган ва 23,1 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 2001 йилда ташқи қарзнинг товар ва хизматлар экспортига нисбати 133,7 фоизга тенг бўлган бўлса, 2006 йилда ушбу кўрсаткич 59,6 фоизни ташкил этган. Бунинг устига, ташқи қарзнинг даражаси халқаро амалиётда қабул қилинган ЯИМга нисбатан сезиларли даражада паст. Демак, Ўзбекистон Республикасида ташқи қарз билан боғлиқ тўловларнинг миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсири мавжуд эмас.²²

Келтирилган маълумотлар 2006 йилда мазкур иккала кўрсаткичнинг даражаси 2001 йилга нисбатан юқори даражада пасайганлигини кўрсатаётир. Бу эса, фикримизча, куйидаги икки сабаб билан изоҳланади:

1. Номинал ЯИМ ва товарлар экспортининг юқори ўсиш суръатига эга эканлиги. Масалан, 2006 йилда номинал ЯИМ 2005 йилга нисбатан 7,3 фоизга ўсди. Товарлар экспорти эса 18,1 фоизга кўпайди.

2. Халқаро кредитлар бўйича тўловлар даврининг бошланганлиги.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг чуқурлашиши жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатларини юзага келтириши мумкин.

Диссертация ишида республикаимизда валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти таҳлил қилиниб, унинг учун хос бўлган қатор тенденциялар аниқланган. Хусусан, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг пасайиш тенденцияси, ташқи савдо операциялари ижобий қолдиғининг ўсиш тенденцияси, конверсион операциялар ҳажмининг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг алмашув курси режимини танлашнинг шарт-шароитлари илмий жиҳатдан асосланган.

Муайян макроиқтисодий сиёсат олиб борилганда валюта курсининг белгиланган ёки сузиш режимлари бир-бирига нисбатан мутлақ афзалликларга эга бўлмайди. Белгиланган курс паст инфляция ва молиявий барқарорликнинг сабабчиси ва бу хусусият унинг асосий устуворлиги, деган фикр XX асрнинг 90-йилларигача кенг тарқалган эди. Статистика бўйича валюта курси расмий

²¹ ТИФ Миллий банкининг жорий ҳисобот маълумотлари. – Тошкент, 2007 й.

²² ЕТТБ маълумотлари (<http://www.ebrd.com/pubs/econo/tru07.pdf>).

равишда қўлланилаётган мамлакатларда инфляция аста-секин камайиб, камроқ таъсирчанлик хусусиятига эга бўлганлиги қайд этилган. Бироқ, 90-йилларда, жаҳон молия тизими етарли даражада барқарор ривожланаётган бир пайтда, икки режим шароитида содир бўлаётган инфляциялар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада камайган. Иқтисодиётнинг ўсиш суръатларидаги фарқ ҳам пасайган. ХВФ экспертлари томонидан амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, сузувчи валюта курси қўлланилаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг ўртача суръатлари белгиланган курсни қўллаётган мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлмоқда. Бу эса, асосан, сузиш режимини қўллаётган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига тегишлидир. Бироқ аксарият Осиё мамлакатлари амалда валютани тартибга солиш соҳасида қатъий сиёсат олиб борди. Агар улар эътиборга олинмаса, унда жаҳондаги икки валюта режими ўртасидаги иқтисодий ўсиш суръатлари бири-биридан кескин фарқланмайди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича улар кўп жихатдан ўхшаш бўлса, унда қайси бир режимни танлаш зарур, деган табиий савол туғилади.

Валюта курсининг турли режимларини амал қилиш тажрибаси кўрсатишича, танлаб олинган стратегия реал шаклланаётган иқтисодий ҳолатга жавоб бермаса, унда у иқтисодий қийинчиликларни янада мураккаблаштиради. Масалан, иқтисодиёти нисбатан ёпиқ мамлакатлар катта давлат бюджети дефицитига эга бўлсалар, у ҳолда уларнинг белгиланган валюта курсини қўллаб-қувватлаш стратегияси нореал бўлади, чунки, у қисқа вақт ичида мамлакатдан хорижий валюта захираларини йирик миқдорда чиқиб кетишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида валюта курси режимини танлашнинг муҳим шарт-шароитларидан бири экспорт-импорт операциялари ўртасидаги ижобий сальдонинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, мамлакат экспорт тушумининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларининг экспортдан олинган тушум сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2006 йилда, Ўзбекистон экспортининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурслари экспортининг салмоғи 43,2 фоизни ташкил қилган²³. 2005 йилда бу кўрсаткич 39,8 фоизни ташкил этган. Хом-ашё ресурсларининг баҳоси жаҳон конъюнктурасининг ўзгариши туфайли тез-тез тебраниб туради. Бунинг натижасида экспорт тушуми камаяди ва ташқи савдо айланмасининг нобарқарорлиги юзага келади. Масалан, 2004 йилда пахта толасини сотишдан олинган тушумнинг жами экспорт тушумидаги салмоғи 18,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 19,1 фоизни ташкил этган. Бу Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида енгил саноатнинг кескин ривожланиши даври бошланганлиги натижасида пахта толасига бўлган талабнинг ошиши ва шунинг асосида пахта толаси баҳосининг ошганлиги билан изоҳланади. Агар кейинчалик жаҳон бозорида пахта толаси таклифи кўпайса ва унинг истеъмоли ҳажми қисқарса, бу ҳолат пахта толасининг баҳосини сезиларли даражада

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси бюллетенлари маълумотлари асосида ҳисобланди.

пасайишига ва уни сотишдан олинган тушум миқдорининг кескин камайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси экспортининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларини экспорт қилишдан олинаётган валюта тушумининг салмоғини сезиларли даражада юқори эканлигини ва бу омил ташқи савдо баланси сальдосининг тебранишига бевосита таъсир этишини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, валюта курсининг қуйидаги иккита режимидан бирини танлаш мақсадга мувофиқ:

- эркин сузиш режими;
- бошқариладиган сузиш режими.

Эркин сузиш режимини республикамизда қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири, фикримизча, интервенцион фондни шакллантириш ҳисобланади. Худди шунингдек, бошқариладиган сузиш режимини республикамизда қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан тебранишининг қуйи ва юқори чегараларини ўрнатилишидир.

Фикримизча, мазкур икки шартга риоя этмаслик ташқи савдо сальдосининг кескин тебранишига ва шунинг асосида сўм алмашув курсининг нобарқарорлигига олиб келади. Чунки экспорт тушумлари Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси тушумлар қисмининг асосий моддаси ҳисобланади.

Диссертация ишида республика ташқи савдо муносабатлари ривожланишини тўрт даврга ажратиш лозимлиги асослаб берилган:

- биринчи давр 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда миллий валюта – сўм муомалага киритилди ва хўжалик субъектларининг хорижий валютадаги маблағлар сотиб олиш имконияти таъминланди;

- иккинчи давр 1997-1999 йиллардан иборат. Бу даврда тўлов балансининг жорий операциялари бўйича чекловлар жорий қилинди;

- учинчи давр 2000-2003 йилларни қамраб олади. Бу даврда миллий валюта бозорини эркинлаштириш бошланди ва кучайтирилди;

- тўртинчи давр 2003 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврда сўмнинг тўлов баланси жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин конвертирланиши жорий этилди, биржадан ташқари валюта бозори эркинлаштирилди. 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ХВФ Келишув моддаларининг VIII моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди ва шу санадан эътиборан сўмнинг жорий операциялар бўйича хорижий валюталарга эркин айирбошлаш жорий этилди. Фақат ҳозирча республикамиз ҳудудида сўм АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франкига айирбошланади.

2000 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда валюта сиёсати босқичма-босқич амалга оширилган. Бунинг натижасида сўмнинг жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертирланишини таъминлаш имкони юзага келган. Лекин валюта сиёсатини эркинлаштириш даврида валюта курси ва экспорт ўртасидаги корреляцион боғлиқлик даражасининг паст эканлиги кузатилган. Шу сабабли, ташқи савдо операциялари ривожланишининг учинчи даврида мамлакат

экспорти валюта курсига боғлиқ бўлмаган. Фақатгина Марказий банкнинг расмий биржа курсига нисбатан ижобий томонга маълум бир силжиш кузатилган. Бу эса, Ўзбекистон Марказий банки томонидан пул массасининг ўсишини чеклашга қаратилган пул-кредит сиёсатини олиб борилганлиги билан изоҳланади.

1997-1999 йиллар даврида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан реал алмашув курси мамлакат экспортининг қиймат ҳажмига салбий таъсир кўрсатган. Эластиклик кўрсаткичи 0,58 ни ташкил қилган. Бу эса, экспортнинг мазкур даврда сўм реал алмашув курсига нисбатан эластиклик даражаси паст эканлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, бу даврда АҚШ доллари қийматининг ошиши экспорт қийматининг пасайишига олиб келган. Аксинча, бу даврда импортнинг мутлақ эластиклиги кузатилди, чунки эластиклик коэффиценти 1,59 ни ташкил қилган. Яъни, АҚШ доллари қийматининг ошиши импорт ҳажмининг камайишига олиб келган.

1995-2006 йиллар мобайнида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация қилиниши мамлакатда ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинаётган товарларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилди. Натижада 2006 йилда экспорт тушуми суммасининг 1995 йилга нисбатан ўсиши 1,7 мартани ташкил этди. Бу даврда ташқи савдо баланси ижобий сальдоси 1,6 мартага ўсди.

Шуниси аҳамиятлики, 2006 йилда тайёр маҳсулот ва хизматлар экспортининг жами экспортдаги салмоғи 53 фоиздан юқори бўлди. Бу эса, Ўзбекистон ҳукуматининг экспорт сиёсатида тайёр маҳсулотлар экспортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш экспорт қилинаётган товарлар билан боғлиқ бўлган қўшимча қийматни республикада қолдириш имконини беради.

Мамлакатнинг ташқи савдо балансида 2006 йилда 1,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридан ижобий сальдонинг мавжудлиги хорижий валютадаги захираларнинг миқдорини оширишга бевосита таъсир кўрсатди ва республиканинг олтин-валюта захираларининг 2002-2006 йиллар мобайнида ўртача ўсиш суръати 42 фоизни ташкил этди²⁴.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операциялари ривожланишининг иккинчи ва учинчи даврларида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан реал алмашув курсининг мамлакат экспорт салоҳиятига нисбатан салбий таъсири юзага келди ва бу таъсир экспорт тушумларининг камайишига сабаб бўлди. Шу сабабли, фикримизча, сўмнинг номинал ва реал алмашув курсларининг экспортга таъсирини доимий мониторинг объектига айлантирган ҳолда, уларнинг ўртасида сезиларли фарқнинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун эса, Марказий банк валюта интервенциясидан ва девальвациядан фаол тарзда фойдаланиши зарур. Бундан ташқари, товарлар экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар экспортининг 50 фоиздан юқори бўлган даражасини барқарор тарзда сақлаб туриш орқали хом-ашё ресурслари жаҳон баҳоларининг ўзгариши натижасида экспорт тушумига ва миллий валютанинг алмашув

²⁴ Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўли // Бозор, пул ва кредит. - №8(123), 2007. – 6 б.

курсига нисбатан юзага келадиган салбий таъсири даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик концептуал асосларини такомиллаштиришнинг уч устувор йўналиши ишлаб чиқилган.

1. Валютавий назорат амалиётини такомиллаштириш. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига экспорт тушумларини ўз вақтида келиб тушишининг ҳисобини юритиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш вазифалари тўлиқ юклатилиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, экспорт-импорт операциялари устидан амалга ошириладиган валютавий назоратнинг тезкорлиги ва самарадорлиги ошади; иккинчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларидан валютавий назорат вазифаси олиб ташланади, бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида бажарадиган молиявий воситачилик ролининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

б) Экспорт тушумининг бир қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий сотилиши устидан амалга ошириладиган валютавий назорат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг зиммасига юклатилиши ва бунда Марказий банкка мажбурий сотиш тўғрисидаги маълумотларни тижорат банклари тақдим этиши лозим. Бунда тижорат банкларининг божхона хизматига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспорт тушуми бўйича маълумотларни Давлат Божхона хизмати билан солиштириш далолатномасини расмийлаштиради.

2. Жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш. Фикримизча, сўмнинг алмашув курсини ҳар кунлик конверсион операцияларнинг якуний натижалари бўйича белгилаш тизимига ўтиш ва бу курсдан кейинги операцион кунда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда фойдаланиш миллий валютамизнинг реал харид қобилятига яқин бўлган алмашув курсини шакллантириш имконини беради. Бундан ташқари, Швейцария франки ва евро АҚШ доллари каби Республика валюта биржасида амалга оширилаётган конверсион операцияларнинг объектига айлантириш лозим. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамиз хўжалик юритувчи субъектларининг валюта захиралари ҳажмида швейцар франки ва евро, ҳажмига кўра, АҚШ долларидан кейин иккинчи, учинчи ўринда туради; иккинчидан, евроли олди-сотди объектига айлантириш хўжалик субъектларининг конверсион операциялардаги чиқимларини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

3. Биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланишини таъминлаш. Республикада муддатли валюта бозорини ривожлантиришнинг бирламчи ҳуқуқий базаси яратилган бўлсада, ҳамон ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

– деривативлар воситасида валюталарни сотиб олиш ва сотиш операцияларини ҳуқуқий жиҳатдан чеклаб қўйилганлиги. Янги таҳрирдаги

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ваколатли банклар билан уларнинг миждозлари ўртасида валюта бозорининг ҳосила инструментлари билан амалга ошириладиган операциялар фақат жорий валюта операциялари билан боғлиқ бўлган шартномалар мавжуд бўлгандагина ўтказилиши мумкин. Бу қоида тижорат банклари ва уларнинг миждозлари ўртасида хорижий валюталарни тўғридан-тўғри сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муддатли валюта операцияларини амалга ошириш имконини бермайди. Мазкур қоида ни республикамиз тижорат банкларининг фаолиятидаги валюта рискларини камайтириш мақсадида жорий этилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Аммо фикримизча, республикамиз Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан белгиланган икки иқтисодий меъёр, яъни тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан қўлланилаётган икки коэффицент – умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти тижорат банкларининг фаолиятида юзага келадиган валюта рискни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради;

– республикамизда валютавий деривативлар билан боғлиқ бўлган валюта операцияларини тартибга солувчи алоҳида меъерий ҳужжат мавжуд эмас. Амалдаги меъерий ҳужжатларда эса, деривативлар воситасидаги операцияларни қўллаш соҳаси, амалга ошириш тартиби ўзининг аниқ ифодасини топмаган. Деривативлар воситасидаги операцияларни ривожлантириш спот операциялари бозорини етарли даражада ликвидли бўлишини тақозо этади. Марказий банкнинг спот бозорига ҳаддан зиёд фаоллик билан аралашуви муддатли валюта бозорининг ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин;

- республикамизда сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларининг нобарқарорлиги сақланиб қолмоқда. Бу эса, форвард курсларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Депозитлар ва кредитлар фоиз ставкаларининг даражаси устама ва дисконтнинг даражасини белгиловчи омил ҳисобланади. Устама ва дисконт эса, форвард курсини спот курсидан фарқлантирувчи ягона омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида валюта деривативлари билан амалга ошириладиган операциялар Марказий банк томонидан тартибга солинади. Аммо деривативлар бозорининг ўзи ҳозирча шаклланмаган. Деривативлар бозори шаклланмаганлигининг асосий сабабларидан бири жорий валюта бозори ликвидлилик даражасини таъминлаш масаласининг ўз ечимини топмаганлиги ҳисобланади. Иккинчи сабаби эса, бизнинг фикримизча, банклараро валюта бозорининг ривожланмаганлиги ва Марказий банкнинг валюта бозоридаги иштирокининг ҳаддан зиёд фаоллиги ҳисобланади.

Фикримизча, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунга қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: “Тижорат банклари ва уларнинг миждозлари ўртасида ўтказиладиган хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича муддатли валюта операциялари бевосита тижорат банкида эркин тарзда амалга оширилади”. Мазкур ўзгаришнинг Қонунга киритилиши амалдаги

йўриқномаларда мавжуд бўлган ва муддатли валюта операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ҳуқуқий чеклашларни бартараф этади.

Бундан ташқари, деривативлар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Натижада, деривативлар билан операцияларни амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланади. Бу эса, муддатли валюта битимлари бозорини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

3. ХУЛОСА

Диссертация ишини бажариш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилган:

1. Валюта муносабатларини тартибга солишни эркинлаштириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич камайтириш, капиталлар ҳаракатига нисбатан ўрнатилган чекловларни олиб ташлаш, молия тизимида изчил ислохотларни ўтказиш каби шарт-шароитларни юзага келтиришни тақозо этади.

2. Сўмни муомалага киритилиши билан Ўзбекистонда миллий валюта тизими шаклланди ва унинг элементларига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

а) валюта тизимининг бирламчи асоси бўлиб сўм ҳисобланади ва унинг жорий валюта операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин конвертирланиши 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб таъминланган;

б) “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сўмнинг курс режими эркин сузиш режими ҳисобланади;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайдиган қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шу сабабли мазкур тартиб Халқаро умумлашган қоидалар асосида белгиланади;

г) Ўзбекистоннинг халқаро валютавий ликвидлигини таъминлашда ХВФнинг олтин-валюта захираларининг уч ойлик импортни қоплашга етишига асосланган методикасидан фойдаланилмоқда. Олтин-валюта захираларининг 2007 йилнинг 1 июль ҳолатидаги миқдори ХВФнинг давлатларнинг тўловга қобиллик даражасини белгиловчи меъёрларидан 5 баробар кўпдир.

3. Ўзбекистон Республикаси миллий валюта тизимининг барқарорлигига салбий таъсир қилаётган муаммолар қуйидагилардир:

а) миллий валюта қадрсизланиши жараёнининг давом этаётганлиги;

б) хорижий валюталардаги тўловларни амалга ошириш кетма-кетлигида ноаниқликларнинг мавжудлиги.

4. 2001- 2006 йилларда Ўзбекистон ички валюта бозорида конверсион операциялар ҳажмининг кескин ўзгариши мамлакатимизда хорижий валюталарга бўлган барқарор талабни шаклланмаганлигидан далолат беради. Шунингдек, 2002-2005 йилларда сўм алмашув курсининг пасайиш тенденцияси шароитида конверсион операциялар ҳажмининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги сўм алмашув курсининг импортга нисбатан салбий таъсирининг юзага келмаганлигидан далолат беради.

5. 2001-2006 йиллар мобайнида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан сезиларли даражада қадрсизланганлиги валюта курсларининг унификация қилинганлиги ва хорижий валютадаги тўловлар ҳажмининг таҳлил қилинган давр мобайнида барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

6. 2003-2006 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида тўлов балансининг капиталлар ва молия ҳисоблари бўлими бўйича салбий сальдонинг мавжудлиги мамлакат иқтисодиётига жалб этилган халқаро инвестицион кредитлар бўйича тўловларнинг ўсиш тенденциясига эга эканлиги билан белгиланади. Мазкур давр мобайнида савдо баланси ижобий қолдиғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги миллий валюта алмашув курсининг пасайиш суръатларини секинлаштириш имконини беради.

7. Ривожланаётган мамлакатларга берилган халқаро кредитларнинг асосий қисмини сузувчи фоиз ставкаларида берилганлиги ва жаҳон ссуда капиталлари бозорида халқаро кредитларга бўлган талабнинг ошиши, халқаро кредитлар олган мамлакатлар миллий валюталарининг кескин қадрсизланиши, ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан салмоғининг юқори эканлиги, пировард натижада, халқаро кредит бўйича қарздорлик муаммосининг ривожланаётган давлатларда чуқурлашишига сабаб бўлди. Айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари халқаро кредитларни қайтариш учун реал молиявий имкониятларга эга эмас. Хусусан, Африка, Марказий ва Жанубий Америкадаги қатор мамлакатларнинг экспортдан оладиган даромадлари олинган кредитларнинг фоизини тўлашга ҳам етмайди. Бунинг оқибатида, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига берилган халқаро кредитларнинг маълум қисмидан воз кечиш зарурияти юзага келмоқда.

8. Ўзбекистон Республикасида халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси мавжуд бўлиб, унинг чуқурлашиши халқаро инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги билан изоҳланади. Халқаро инвестицион кредитлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги шароитида, уларни қайтариш билан боғлиқ бўлган тўловлар ҳажмининг ошиб бориши хорижий валюталар таклифига салбий таъсир кўрсатмоқда.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 2003-2006 йиллар мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг пасайишига ва шунинг асосида тижорат банклари кредит қўйилмалари миқдорининг юқори суръатларда ўсишига олиб келди. Бунинг натижасида, хорижий валюталарга бўлган талаб сезиларли даражада ошди ва сўмнинг қадрсизланиши юз берди.

10. Миллий валюта курси режимларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, тўлов балансининг тушумлар ва тўловлар қисми экспорт-импортга қаттиқ боғлиқ бўлган мамлакатларда белгиланган курс режимини қўллаш мақсадга мувофиқ саналади; иккинчидан, белгиланган курс режими молиявий барқарорлик ва инфляциянинг мўътадил даражасини таъминлаш имконини беради, деган ғоя амалиётда ўз исботини топмади; учинчидан, эркин сузиш режимини қўллашда

мамлакат етакчи савдо ҳамкорининг миллий валютасидан базавий валюта сифатида фойдаланиш миллий валютанинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий экспорти ҳажмида хом-ашё ресурслари экспортдан олинadиган тушумлар салмоғининг сезиларли даражада юқори эканлиги миллий валюта курсининг режимини танлашда бирламчи аҳамиятга эга бўлган омил ҳисобланади.

11. Валюта муносабатларини тартибга солишнинг концептуал асослари Ж.Кейнс, М.Фридмен, Ж.Флеминг, Р.Манделл, М.Пebro каби иқтисодчи олимларнинг жиддий илмий-назарий қарашларига асосланади. Улардан мамлакат миқёсида валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштиришда фойдаланиш миллий валюта тизимининг амалдаги ҳолатига хос бўлган тенденцияларни, миллий валюта тизимининг жаҳон валюта тизимига интеграциялашув даражасини ҳисобга олишни тақозо этади.

Юқоридаги принципиал хулосаларга таянган ҳолда, диссертацион тадқиқотни бажариш жараёнида кўйидаги илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо операцияларининг ривожланиши тўрт босқичдан иборатлиги асосланди ва ҳар бир босқичга хос бўлган хусусиятлар инобатга олиниши керак.

2. Дисконт сиёсатининг валютани тартибга солишдаги ролини ошириш мақсадида:

– Марказий банк ташкил қиладиган кредит аукционида кредитлар фоиз ставкаларининг талаб ва таклиф асосида шаклланишига имкон яратиш;

– миллий банк тизимининг ликвидлилигини таъминлаш ва бу билан бутун банк тизимига нисбатан аҳоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шакллари (мавсумий, мувофиқлаштирувчи, узайтирилган) жорий қилиш;

– ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишини рағбатлантириш;

– бозор инструменти бўлган тратталар муомаласини жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

3. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга эришиш учун, биринчидан, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш; иккинчидан, хизмат харажатларини камайтириш; учинчидан, хорижий валютадаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш; тўртинчидан, банкларо вакиллик муносабатларини ривожлантириш зарур.

4. Тўлов балансини мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари кўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– экспорт-импорт операциялари ўртасидаги барқарор ижобий қолдиқни таъминлаш;

– халқаро кредитлар ва инвестициялар бўйича валюталар тушуми билан тўлови ўртасидаги фарқ суммасининг кескин тебранишига йўл қўймаслик.

5. Ўзбекистон Республикасида валюта курси режимини танлашда асосий эътибор экспорт тушуми ва импорт тўловлари ўртасидаги ижобий сальдонинг

барқарорлигини таъминлашга қаратилиши керак. Республикамиз экспорт тушумининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларининг экспортдан олинган тушум сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди (2005 йилда пахта толаси, энергоресурслар ва нодир металларни сотишдан олинган экспорт тушумининг жами экспорт тушумидаги салмоғи 39,8 фоизни ташкил қилган). Хом-ашё ресурслари жаҳон баҳосининг ўзгариши натижасида улардан олинадиган экспорт тушуми камаяди ва шунинг асосида ташқи савдо айланмасининг нобарқарорлиги юзага келади. Шу сабабли, валюта курсининг қуйидаги икки режимдан бирини танлаш мақсадга мувофиқ:

- эркин сузиш режими;
- бошқариладиган сузиш режими.

Эркин сузиш режимини республикамизда қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири интервенцион фондни шакллантириш ҳисобланади. Бошқариладиган сузиш режимини республикамизда қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири эса, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан тебранишининг қуйи ва юқори чегараларини ўрнатишдир.

6. Сўмнинг номинал ва реал алмашув курсларининг экспортга таъсирини доимий мониторинг объектига айлантирган ҳолда, уларнинг ўртасида сезиларли фарқнинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун эса, Марказий банк валюта интервенциясидан ва девальвациядан фаол тарзда фойдаланиши зарур. Бундан ташқари, товарлар экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар экспортининг 50 фоиздан юқори бўлган даражасини барқарор тарзда сақлаб туриш хом-ашё ресурсларининг жаҳон баҳоларини ўзгариши натижасида экспорт тушумига ва миллий валютанинг алмашув курсига нисбатан юзага келадиган салбий таъсирнинг даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига экспорт тушумларини ўз вақтида келиб тушишининг ҳисобини юритиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш вазифалари тўлиқ юклатилиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, экспорт-импорт операциялари устидан амалга ошириладиган валютавий назоратнинг тезкорлиги ва самарадорлиги ошади; иккинчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларидан валютавий назорат вазифаси олиб ташланади, бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида бажарадиган молиявий воситачилик ролининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

8. Экспорт тушумининг бир қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий сотилиши устидан амалга ошириладиган валютавий назорат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг зиммасига юклатилиши ва бунда Марказий банкка мажбурий сотиш тўғрисидаги маълумотларни тижорат банклари тақдим этиши лозим. Бунда тижорат банкларининг божхона хизматига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспорт тушуми бўйича маълумотларни Давлат Божхона хизмати билан солиштирган ҳолда, солиштириш далолатномасини расмийлаштиради. Бунинг натижасида валютавий назорат органлари

ўртасидаги алоқадорлик кучаяди ва бу ҳолат валютавий назоратнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг монетар инструментлари ва валюта сиёсати доирасида тижорат банклари депозитларининг барқарорлигини таъминлаши лозим. Бунинг учун, биринчидан, трансакцион депозитлар ва муддатли депозитларга нисбатан қўлланилаётган мажбурий захира ставкаларининг даражаси бир-биридан тубдан фарқланиши лозим; иккинчидан, Марказий банк очик бозор операциялари орқали сўмдаги трансакцион депозитларнинг миқдорига таъсир қила олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

10. Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифини оширишни рағбатлантириш мақсадида республикамиз тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захира ставкасининг амалдаги даражасини пасайтириш керак. Республикамизда хорижий валютадаги депозитларга тўланадиган мажбурий захира ставкалари даражасининг пасайтирилиши республикамиз банкларининг хорижий валюталардаги депозитларга тўлайдиган фоиз ставкаларини ошириш имконини беради.

11. “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунга қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: “Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасида ўтказиладиган хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича муддатли валюта операциялари бевосита тижорат банкида эркин тарзда амалга оширилади”. Мазкур ўзгаришнинг Қонунга киритилиши амалдаги йўриқномаларда мавжуд бўлган ва муддатли валюта операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ҳуқуқий чеклашларни бартараф этади. Бундан ташқари, деривативлар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Натижада, деривативлар билан операцияларни амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланади. Бу эса, муддатли валюта битимлари бозорини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

12. Ўзбекистон Республикасида валюта захираларининг диверсификация даражасини ошириш мақсадида АҚШ доллари, Евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги, Швейцария франкида қарийб тенг миқдорий нисбатларда захиралар ташкил қилиш лозим.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография ва илмий мақолалар

1. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. –Тошкент, Fan va texnologiya.– 2007, 232 б.

2. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда миллий валюта тизимининг ташкил топиши ва унинг хусусиятлари // Иқтисодиёт ва таълим, 2003, №1, 78-83 бетлар (хаммуаллифликда).

3. Жумаев Н.Х. Управление валютными рисками // Актуальные проблемы современной науки, №4 (13) М: 2003, с. 65-66.
4. Жумаев Н.Х. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш // Jamiyat va boshqaruv, 2006, №2, 68-70 б.
5. Жумаев Н.Х. Ҳаётбахш куч: пул-кредит сиёсати // Солиқ тўловчининг журнали, 2006, №7, 32-33 б.
6. Жумаев Н.Х. Валюта сиёсати // «Jamiyat va boshqaruv» журналининг махсус сони, 2006, 169-171 б.
7. Жумаев Н.Х. Валютани тартибга солишда дисконт (фоиз) сиёсатидан фойдаланиш масалалари // Иқтисодиёт ва таълим, 2006, №3, 95-102 б.
8. Жумаев Н.Х. Қарз // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2006, №9, 7 б.
9. Жумаев Н.Х. Ҳам ички, ҳам ташқи тенгликка эришиш // Солиқ тўловчининг журнали, 2006, №10, 35-37 б.
10. Жумаев Н.Х. Глобализация жараёнининг миллий валюта сиёсатига таъсири // Бозор, пул ва кредит, 2006, №10, 38-41 б.
11. Жумаев Н.Х. Тийиннинг иши қийин ёки мувофиқ курс режимини танлаш, назорат қилиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2006, №10, 37-б.
12. Жумаев Н.Х. Экспорт ва валюта // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2006, №11, 14 б.
13. Жумаев Н.Х. Валюта курсини танлаш сиёсатининг халқаро валюта муносабатларига таъсири // Бозор, пул ва кредит, 2006, №12, 3-6 б.
14. Жумаев Н.Х. Валютани тартибга солиш: фоиз сиёсати // Jamiyat va boshqaruv, 2006, №4, 47-50 б.
15. Жумаев Н.Х. Валютавий назорат амалиёти // Jamiyat va boshqaruv, 2007, №1, 59-60 б.
16. Жумаев Н.Х. Теоретические основы систем обменных курсов и их современные тенденции // Экономика и финансы. – М: 2007. –№3. – сс.5-10.
17. Jumaev N.H. Economic reforms in Uzbekistan: Currency regulation issues // Selected Papers. - Shah Alam, Malaysia: Universiti Teknologi MARA. – 2007. – pp. 12-16.
18. Жумаев Н.Х. Вопросы валютного регулирования и валютного контроля в условиях либерализации экономики Узбекистана // Экономика и финансы. – М: 2007. –№4. – с.69.
19. Jumaev N.H. Foreign exchange regime of Uzbekistan: problems and solutions // Selected Papers. - Shah Alam, Malaysia: Universiti Teknologi MARA. – 2007. – pp. 44-46 (co-author).
20. Жумаев Н.Х. Актуальные вопросы совершенствования системы валютного регулирования в Республике Узбекистан // Экономика и финансы. – М: 2007. –№8. – сс.32-34.

Илмий-амалий конференция тезислари

21. Jumaev N.H. The main directions of currency policy of the Central bank // Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари: Халқаро илмий-

амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2003. – Б. 301-303 (хаммуаллифликда).

22. Jumaev N.H. Specific features of Uzbekistan at the introduction of the national currency into circulation // Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 386-390 (хаммуаллифликда).

23. Жумаев Н.Х. Валюта инқирозлари ва уларнинг шакллари // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 358-359.

24. Жумаев Н.Х. Миллий валюта тизимини қарор топишидаги ўзига хос хусусиятлар // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 367-369 (хаммуаллифликда).

25. Жумаев Н.Х. Глобаллашув жараёнларининг Ўзбекистон валюта сиёсатига таъсири // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 377-379.

26. Жумаев Н.Х. Валюта курсини танлаш сиёсати // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 48-49 (хаммуаллифликда).

27. Жумаев Н.Х. Валюта муносабатларини тартибга солиш ва уни хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсири // Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 19-20.

28. Жумаев Н.Х. Вопросы валютного регулирования и валютного контроля в условиях либерализации экономики // Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях интеграционных процессов: Тез. докл. межд. науч. конф. – М., 2006. – С. 174-176 (в соавторстве).

29. Jumaev N.H. Currency policy and its regulation // Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях интеграционных процессов: Тез. докл. межд. науч. конф. – М., 2006. – С. 361-363.

30. Жумаев Н.Х. Вопросы совершенствования валютной политики в условиях либерализации экономики // Современный рынок услуг: отношения и конкурентоспособность торгового обслуживания: Тез. докл. межд. науч. конф. – Караганда, 2006. – С. 92-93 (в соавторстве).

31. Жумаев Н.Х. Мамлакатнинг халқаро валютавий тўловга қобиллигини таъминлашда валютавий тартибга солишнинг аҳамияти // Развитие розничного банковского бизнеса: Материалы межд. науч.-практ. конф. – Ташкент, 2007 г. С. 226-227.

32. Жумаев Н.Х. Ғазначилик тизимиға ўтишда монетар ва фискал сиёсат уйғунлигини таъминлаш // Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 5-6 (хаммуаллифликда).

33. Жумаев Н.Х. Валюта тизимининг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни // Илм-фан ва замонавий тафаккур ижтимоий-иқтисодий тараққиёт гаровидир: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 328-329.

34. Жумаев Н.Х. Марказий банкнинг фоиз сиёсатидан валютани тартибга солишда фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш // Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана: Материалы межд. науч.-практ. конф. – М., 2007. – С. 62-65.

35. Jumaev N.H. Safety of life activity and it's composing // Proceeding of joint scientific seminar: Shanghai University, People Republic of China. – Shanghai, 2007. – pp. 61-65 (co-author).

Дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар

36. Вахобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик, Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2003, 400 б.

37. Жумаев Н.Х., Махсумов Э.М. Валюта операцияларини бошқариш механизми. Ўқув кўлланма, “Iqtisod va moiliya”, Тошкент, 2006, 128 б.

38. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Валютный курс и пути её регулирования. Учебное пособие, “Iqtisod va moiliya”, Ташкент, 2006, с.132.

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Жумаев Нодир
Хосиятовичнинг 08.00.07-«Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича
«Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини
такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: валюта, валюта сиёсати, валютавий назорат, валюта алмашув курси, валюта курси режими, валюта паритети, валюта инқирози, валюта бозори, валюта биржаси, валютавий деривативлар, валютавий чекловлар, валюта захиралари, интервенция, конвертация, ваколатли банк, дисконт, ташқи қарз, долларлашув, валюта захирасини диверсификация қилиш, своп, голд-своп, девальвация, ревальвация, демонетизация.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тизимидаги давлат органлари ва ваколатли тижорат банклари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез, индукция, дедукция, корреляция, регрессия каби статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш амалиёти ва методологиясининг замонавий ҳолатига ҳос бўлган тенденциялар аниқланган ва асослаб берилган; Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операцияларининг ривожланиш босқичлари ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари асослаб берилди; республикада миллий валюта курси режимини танлаш ва уни амал қилиш шарт-шароитларини таъминлашга қаратилган таклифлар берилган; валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик концептуал асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари: валютавий назоратни такомиллаштириш; жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш; биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришни таъминлаш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва валютани назорат қилувчи давлат органларининг фаолиятида, валюта муносабатларини тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқишда, валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: муаллифнинг катор тавсиялари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган, олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Халқаро молия муносабатлари”, “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, “Халқаро валюта операциялари ва халқаро ҳисоб-китоблар” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: валютани тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органлари, тижорат банклари ва олий таълим муассасалари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Н.Х. Жумаева на тему: “Совершенствование методологии регулирования валютных отношений в Узбекистане” на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.07 – “Финансы, денежное обращение и кредит”

Ключевые слова: валюта, валютная политика, валютный контроль, обменный курс валюты, режим валютного курса, валютный паритет, валютный кризис, валютный рынок, валютная биржа, валютные деривативы, валютные ограничения, валютные резервы, интервенция, конвертация, уполномоченный банк, дисконт, внешний долг, долларизация, диверсификация валютных резервов, своп, голд-своп, девальвация, ревальвация, демонетизация.

Объекты исследования: государственные органы и уполномоченные коммерческие банки в системе валютного регулирования Республики Узбекистан.

Цель работы: выявление тенденций развития валютных отношений в Республике Узбекистан и выработка научно-практических предложений и рекомендаций по совершенствованию методологических основ регулирования валютных отношений.

Метод исследования: группировка, сравнение, анализ и синтез, индукция и дедукция, корреляция, регрессия и другие статистические и экономические методы анализа.

Полученные результаты и их новизна: определены и обоснованы тенденции, присущие современной практике валютного регулирования в Республике Узбекистан; обоснованы этапы развития внешнеторговых операций и их особенности в Республике Узбекистан; обоснован выбор режима курса национальной валюты и обеспечения необходимых условий для его функционирования; выработаны и обоснованы приоритетные направления совершенствования валютных отношений: совершенствования валютного контроля; обеспечения ликвидности текущего валютного рынка; обеспечения развития внебиржевого валютного рынка.

Практическая значимость: выработанные научные выводы и практические предложения могут быть использованы в деятельности государственных органов валютного регулирования Республики Узбекистан, в разработке мер регулирования валютных отношений, в совершенствовании практики регулирования валютных отношений.

Степень внедрения и экономическая эффективность: ряд рекомендаций и практических предложений автора приняты для внедрения в практическую деятельность Центрального банка Республики Узбекистан и Центра социально-экономических исследований. Результаты исследования могут быть использованы в высших учебных заведениях в процессе преподавания курсов «Деньги, кредит и банки», «Международные финансовые отношения», «Международные валютно-кредитные отношения», «Международные валютные операции и международные расчеты».

Область применения: государственные органы валютного регулирования и контроля, коммерческие банки, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of N.H.Jumaev

on the scientific degree competition of the doctor of sciences
in economics, speciality 08.00.07-“Finance, money circulation and credit”
subject: “Improving methodology of foreign exchange regulation in Uzbekistan”

Key words: currency, foreign exchange policy, currency control, exchange rate, exchange rate regime, currency parity, currency crisis, foreign exchange market, currency exchange, currency derivatives, foreign exchange restrictions, foreign exchange reserves, intervention, convertibility, authorized bank, discount, external debt, dollarization, diversification of foreign exchange reserves, swap, gold-swap, devaluation, revaluation, demonetization.

Subject of the inquiry: government authorities and authorized commercial banks in the foreign exchange regulation system of the Republic of Uzbekistan.

Aim of the inquiry: to determine development tendencies of currency relations and work out scientific proposals and practical recommendations on improving methodological bases of foreign exchange regulation in the Republic of Uzbekistan.

Methods of the inquiry: classification, comparison, analysis and synthesis, induction, deduction, and other statistic and economic analysis methods such as correlation and regression.

The results achieved and their novelty: determined and proved modern tendencies regarding foreign exchange regulation practice in the Republic of Uzbekistan; determined and proved development stages of foreign trade operations in the Republic of Uzbekistan and their individual features; proved recommendation on the choice of exchange rate regime and conditions under which it operates; produced the following priority directions for improving methodological-conceptual bases of foreign exchange relations regulation: improving foreign exchange control; maintaining liquidity of current foreign exchange market; maintaining development of foreign exchange over-the-counter market.

Practical value: prepared scientific conclusions and practical recommendations may be used in the activity of foreign exchange regulation authorities of the Republic of Uzbekistan, in preparing foreign exchange regulation measures and in improving practice of foreign exchange regulation.

Degree of embed and economic effectivity: some recommendations and practical proposals of the author have been accepted by the Central bank of the Republic of Uzbekistan and the Centre for Socio-economic researches to apply in practice, and may be used in teaching process on such subject as “Money, credit and banks”, “International financial relations”, “International currency-credit relations”, and “International foreign exchange operations and payments” in Higher education institutions.

Sphere of usage: government authorities of foreign exchange regulation, commercial banks and Higher education institutions.

Тадқиқотчи: